

"АҚИДАТУТ-ТАҲОВИЯ шарҳининг талхийси" китоби нашр этилди



05:00 / 02.02.2015 4502

"АҚИДАТУТ-ТАҲОВИЯ шарҳининг талхийси" китоби нашр этилди

Муҳаммад Анвар Бадахшоний «АҚИДАТУТ-ТАҲОВИЯ шарҳининг талхийси» номли китобларига Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф хазратларининг таржималари.

Кириш қисмидан

Ўзига фарзанд тутмаган, мулкида шериги бўлмаган, хорликдан ёрдамчига муҳтож бўлмаган Аллоҳга ҳамд айтаман ва У Зотни улуғлайман.
У Зотнинг пайғамбарларининг энг шарафлиси ва яратган

махлуқотларининг энг хайрлиси, пайғамбарликни жойига етказган, омонатни адо этган ва умматга насиҳат қилган Муҳаммадга салавот ва саломлар бўлсин.

У кишининг тавҳид йўлида ва суннатни сақлаб қолиш йўлида жидду жаҳд қилган аҳли байтларига ва саҳобаларига ҳам саломлар бўлсин.

Сўнгра маълум бўлсинким, бандаликнинг асосий таянчи ақийда ва иймоннинг тўғри бўлишидадир. Чунки ақийдасига путур етган, иймонига бузуқлик ориз бўлган кишининг ибодати қабул бўлмайди ва қилган амали тўғри бўлмайди. Кимнинг ақийдаси тўғри бўлса, иймони мустақийм бўлса, оз амали ҳам кўп бўлади. Яъни Аллоҳ таоло унга ақийдаси ва иймони баракотидан нажот беради. Шунинг учун ҳам ҳар бир мусулмон ўз иймонини тўғрилашда ва ақийдасини ислоҳ қилишда имкониятларини аямаслиги керак. Тўғри ақийдали бўлиш унинг ғояси ва бирдан-бир сўрови бўлмоғи, бошқа нарсани қўйиб, унда бир дақиқа бўлса ҳам ортда қолмаслиги зарур.

Диёримизда кўпдан буён қўллаб келинаётган ва доимо фахрланиб юрадиган биргина китобимиз калом, балоғат ва ақл илмлари имоми, кўплаб машҳур таълифотлар соҳиби аллома Тафтазонийнинг «Шарҳи ақоидин-Насафия» номли китобидир. Тўғриси айтганда, таъвилсиз, маҳоратни ишга солмай туриб бу китобдан Қуръон ва Суннатга асосланган холис илмий ақийдани топа олмаймиз. Бу китоб фалсафий ақийдаларимизни ўз ичига олгандир. Бизнинг юртимизда, шунингдек, араб юртларидан бошқа барча мусулмон юртларида ҳам одатда илми калом уламолари ўзларининг мўътазилийлар ва файласуфлар билан олиб борган мунозаралари ва муноқашалари давомида ёзган фалсафий ақийдалари ёки турли қисса ва афсоналар асосида, унинг тўғри-нотўғрилиги текширилмасдан, айтувчисининг диёнати ва ақийдаси суриштирилмасдан, омма томонидан тўқиб олинган миллий ақийдалардир. Бундай нарсалар ақийда эмас, хурофотдан иборатдир.

Шунинг учун ҳам Аллоҳнинг тавфиқи ва ҳидояти ила Қуръон ва Суннат асосида Ислом умматининг салафи солиҳ авлоди иттифоқ қилган ва уларнинг ортларидан келган сиқа – ишончли кишилари қабул қилган соф ақийдаларини жамлашни орзу қилиб юрар эдим. Лекин бундай муҳим иш менингдек илму тақводан ҳеч вақоси йўқ одамга осон эмас эди. Бинобарин, «Шарҳи ақийдатут Таҳовия» китобини олиб, талхийс қилдим – қисқартирдим ва Ислом ақийдасини ўрганувчи шахс учун лозим бўлган баъзи маълумотларни қўшдим.

Аллоҳ таолодан менга тўғрилиқни илҳом қилишини, қалбимни очишини ва мазкур ишимни осон қилишини, барча ишларимдаги тугунларни ечишини, ушбуни Ўзи учун бўлган иш сифатида қабул қилишини сўрайман. Қудрат

ҳам, қувват ҳам олий ва улуғ бўлган Аллоҳ билангинадир.

Муҳаммад Анвар Бадахшоний

Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф таржимаси

Номи: «АҚИДАТУТ-ТАҲОВИЯ шарҳининг талхийси» Муҳаммад Анвар Бадахшоний

Нашриёт: «Hilol-nashr» нашриёт-матбааси

Сана: 2014

Ҳажми: 448 бет

ISBN: 978-9943-4359-0-2

Ўлчами: 84×108/32

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2246-сонли тавсияси ила чоп этилган

Мурожаат учун телефонлар:

Тошкент шаҳри: (+998 71) 216 29 27

Наманган шаҳри: (+998 90) 322 25 22

Андижон шаҳри: (+998 90) 388 1212

Асака шаҳри: (+99890) 621 2369

Марғилон шаҳри: (+99873) 253 4215

Самарқанд шаҳри: (+99891) 522 44 99

Денов шаҳри: (+99890) 9951341

Ургенч шаҳри: (+99894) 1188880

(Иш вақти 09:00 - 17:00)

Китоб ҳақида тўлиқ маълумот:

<http://hilolnashr.uz/index.php/kitoblar/product/338-aqidatut-tahoviya>